

SCIENCE PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ S/5 (3) - 2023

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES



ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL



ISSN: 2181-1342 (Online)

Сайт: <https://scienceproblems.uz>

DOI: 10.47390/SPI1342V3SI5Y2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 5/5 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васида Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Crossref DOI:

Тахририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

Google Scholar

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com
Телеграм канал: https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

- Кайпова Малика Дауытбай қизи*
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ ТАРИХИЙ МАДАНИЙ ОБЪЕКТЛАР ВА УЛАРНИНГ ҲУДУДДА
ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ9-13
- Фарманова Гульнара Комилевна*
АРХЕОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ Г.А.ПУГАЧЕНКОВОЙ НА ТЕРРИТОРИИ
САМАРКАНДСКОГО СОГДА 14-19
- Aminov Xurmatbek Вахрам о'g'li*
HUNARMANDCHILIK RIVOJI UCHUN YANGI IMKONIYATLAR20-25
- Мустафоев Жонибек Аралбоевич*
“ПАХТА ИШИ”НИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТГА ТАЪСИРИ ВА УНИНГ ФОЖИАЛИ
ОҚИБАТЛАРИ (НАВОЙИ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА) 26-31
- Yunusxo'jayev Habibulla Zafar o'g'li*
O'ZBEKISTON TARIXIY TARAQQIYOTNING ZAMONAVIY BOSQICHIDA IJTIMOY DAVLATNI
SHAKLLANTIRISHNING KONSTITUTSIYAVIY ISTIQBOLLARI32-36
- Маҳмудон Эркин Асқаралиевич*
АРАБ ХАЛИФАЛИГИ ИСТИЛОСИ ДАВРИДА ФАРҒОНАДАГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР37-45
- Назаров Комил Шамсуддинович*
ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ46-51
- Матажонов Раҳимжон Акратович*
O'ZBEKISTONDA MUSTAQILLIK YILLARIDA TARIXCHI KADRLAR TAYYORLASH SOHASI
HUQUQIY ASOSLARINING YARATILISHI52-58
- ### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ
- Остоноқулов Азамат Абдукаримович, Султонов Омон Жума ўғли*
ДАВЛАТ ОТМЛАРИДА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАҒЛАР ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ
ҲИСОБОТЛАРНИНГ АХБОРОТ ИМКОНИАТЛАРИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ 59-69
- Narmamatov Ixtiyor Baxtiyorovich*
DEVELOPMENT ADVANTAGES OF CASHLESS PAYMENTS IN THE PAYMENT SYSTEM OF
UZBEKISTAN 70-75
- Хамраев Джамшид Панжиевич*
ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ
ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ, РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА ЗАРУРЛИГИ 76-81
- Кулибоев Азамат Шоназарович*
ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБ СИЁСАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
УСЛУБИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ 82-91
- Axmedova Nazokat Zikirillo qizi*
KORXONA MARKETING STRATEGIYASIDA RAQAMLI STRATEGIYADAN FOYDALANISH
USULLARI VA AFZALLIKLARI 92-97

<i>Саатмуротов Шохрух</i> МИНТАҚАДА САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ БАҲОЛАШ ОМИЛЛАРИ	98-103
<i>Шакирова Фароғат Болтаевна</i> АҚШ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ИННОВАЦИОН ТИЗИМИ ОМИЛЛАРИ, ТАРКИБИ ВА РИВОЖЛАНИШ НАЗАРИЯСИ	104-113
<i>Кадиров Лутфулло Халимович</i> ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ	114-121
<i>Ibragimova Zarema Zokirovna</i> DUNYONING IQTISODIY RIVOJLANGAN MAMLAKATLARINING BOSHQARUV TASHKILINI TASHKIL ETISH VA ULARNI ICHKI IQTISODIYOTGA TATBIQ ETISH TAJRIBASI	122-129
<i>Қодиров Азизжон Анварович</i> «COVID-19» ИНҚИРОЗИНИНГ ЖАҲОН ЭКОТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ	130-137

09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

<i>Sharipov Dilshod Baxshilloyevich</i> JON LOKKNING TABIIY HOLAT VA TINCHLIKKA OID QARASHLARI	138-145
<i>Rahmatova Xolidaxon Xolikovna</i> ХОҲА АНРОР ВАЛИЙНИНГ ТИНЧЛИК, ОСОЙИШТАЛИК ВА НАМЎНАТЛИККА ДОИР Г'ОЙАЛАРИ – ВАРҚАРОР ТАРАҚҚИЙОТ ОМИЛИ СИФАТИДА	146-151
<i>Орзиев Иқболжон</i> АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА СЕКУЛЯРИЗМ ОМИЛИНИНГ ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТИ	152-157
<i>Turabova Sevara Kattaqulovna</i> ILMIY MUAMMOLARNI HAL ETISHDA VAHS-MUNOZARALARNING TUTGAN O'RNI.....	158-165

10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

<i>Israil Mukaddas Irgashevna</i> BOSMA MEDIA TILINING SOTSIOLINGVISTIK ASPEKTDI O'RGANISH USULLARI	166-172
<i>Nishonova Xurshida Yusufjanovna</i> A'ZAM O'KTAM SHE'RIYATIDA MILLIY RUHNING IFODALANISHIDA E'TIQODIY QARASHLAR	173-178
<i>Маматкулова Камола Шавкат кизи</i> ИСТОРИЯ ВОЗНИКНОВЕНИЯ ПОНЯТИЯ ПРЕЦЕДЕНТНОСТИ В ЛИНГВИСТИКЕ И ЕГО РОЛЬ В ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИИ	179-184
<i>Hamroyeva Dilfuza Jamolovna</i> O'ZBEK XALQ QO'SHIQLARIDA YUZ SOMATIZMINING BADIY TALQINI	185-189
<i>Mahmudova Xushnoza Ravshanbekovna</i> OMMAVIY AXBOROT VOSITALARIDA MOLIVAVIY SAVODXONLIKNI OSHIRISH	

MASALALARI	190-195
<i>Ismonova Yorqinoy Abdumutalib qizi</i> ROMANDA ROVIY BOLA OBRAZI.....	196-200
<i>Mirzoyev Masudjon Kimsanovich, Niholchonova Navbahor</i> FARZONA XO'JANDIY SHE'RLARIDA MIFOLOGIK PERSONAJLAR BADIY IFODASINING XUSUSIYATLARI	201-206
<i>Kholiyorov Bunyod</i> THE CONDITION OF DEVELOPMENT OF LEXICAL COMPETENCE USING AUTHENTIC MATERIALS IN TEACHING ENGLISH IN NON-PHILOLOGICAL EDUCATIONAL INSTITUTIONS	207-213
<i>Hazratqulov Mutallib Rashidovich, Gulxanova Fotima, Qarshiboyeva Muborak</i> NUTQNI IDROK ETISH QONUNIYATLARI	214-219

12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР

<i>Файзиев Шухрат Хасанович</i> ПОНЯТИЕ И ОСОБЕННОСТИ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ ПОЛИТИКИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В КОНТЕКСТЕ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ	220-225
<i>Nishonov Abdulloh Ubaydulloh o'g'li</i> ATOM ENERGIYASINING XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHNING XALQARO-HUQUQIY ASOSLARI	226-233
<i>Safoeva Sadoqat Musoeva</i> IJTIMOIY TARMOQLARDA FUQAROLIK-HUQUQIY MUNOSABATLARNI HUQUQIY TARTIBGA SOLISH ISTIQBOLLARI	234-246
<i>Бокиев Жаҳонгир Нурматжон ўғли</i> АЛОҲИДА ТАЪЛИМ ЭҲТИЁЖЛАРИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ	247-253
<i>Турсунова Маликахон Улуғбековна</i> ЗАМОНАВИЙ ДАВЛАТДА ДИПЛОМАТИК ФАОЛИЯТ ШАКЛЛАРИ: ИСЛОХОТЛАР ВА ҚОНУНЧИЛИК ТАРТИБОТИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖ	254-258

13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

<i>Atamatov Abduxalil Salomovich</i> OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA MUSTAQIL SOATLARNI O'QITILISHINING KOMPETENSIYAVIY O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	259-265
<i>Omarova Gavhar Sadikovna</i> HUQUQ FANINI O'QITISHDA TA'LIMNI TABAQALASHTIRISHNING PEDOGOGIK-PSIXOLOGIK JIHATLARI: DIDAKTIK O'YINLAR MISOLIDA	266-271
<i>Baratov Jo'raqo'zi Shukurjon o'g'li</i> BO'LAJAK PEDAGOGLARNING KASBIY FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISHDA NOSTANDART TOPSHIRIQLARNING ROLI VA AHAMIYATI	272-277

<i>Kuchkarova Arofathon</i> THE IMPORTANCE OF GEOGEBRA IN ENHANCING STUDENTS' LEARNING OF MATHEMATICS AT SCHOOLS	278-283
<i>Tojiyeva Xolida Baxtiyorovna</i> UMUMTA'LIM MAKTABLARI ADABIYOT DARSLARIDA ASAR BADIYYATINI O'QITISH TARIXI	284-288
<i>Masharipov Ravqat Madraximovich</i> KURASH BILAN SHUG'ULLANUVCHI TALABA SPORTCHILARDA TAYYORGARLIK BOSQICHLARINI KUN VA HAFTALIK MIKROTSIKLLARDA MASHG'ULOT YUKLAMALARINI OPTIMAL ME'YORLASH	289-295
<i>Niyozmatov Anvar Bahodirovich</i> XORAZM XALQ O'YINLARI	296-303
<i>Qodirov Xasanboy Oribjonovich</i> OLIJ TA'LIM MUASSASASI TALABALARIDA LIDERLIK SIFATLARINI SHAKLLANTIRISH BOSQICHLARI	304-309
<i>Kejaboev Abdusalim Erkaboevich</i> PEDAGOGIK MENEJMENT VA ZAMONAVIJ RAHBAR KOMPETENTLIGI	310-315
<i>Axmadjonova Farangiz Axrorjon qizi</i> OLIJ TA'LIM MUASSASALARIDA MASOFAVIY TA'LIM MAZMUNI VA TA'LIM JARAYONINI TAKOMILLASHTIRISHNING DIDAKTIK - USLUBIJ TA'MINOTI	316-322

08.00.00 – Иқтисодиёт фанлари

Шакирова Фароғат Болтаевна

Тошкент давлат транспорт университети доценти, PhD

АҚШ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ИННОВАЦИОН ТИЗИМИ ОМИЛЛАРИ, ТАРКИБИ ВА РИВОЖЛАНИШ НАЗАРИЯСИ

Аннотация. Мазкур мақолада Америка қўшма штатлари миллий инновация тизими ва омиллари атрофлича ёритиб берилган ва Ўзбекистон иқтисодиётига жорий қилиш бўйича таклифлар берилган. Шунингдек, мамлакатнинг инновацион ривожланишга ўтиш эволюцияси ёритиб берилган ҳамда олий ўқув юртлари-фан-капитал ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаб берадиган технологик парklar тажрибаси ўрганилган.

Калит сўзлар: инновация, инвестиция, инновацион ривожланиш, иқтисодий модел, АҚШнинг миллий инновация тизими, технопарк, венчурли молиялаштириш

Shakirova Farogat Boltaevna

Tashkent State transport University Associate Professor, PhD

INNOVATIVE SYSTEMIC FACTORS, COMPOSITION AND THEORY OF DEVELOPMENT OF THE US ECONOMY

Abstract. In this article, the national innovation system and factors of the United States of America are described in detail and proposals are made for its implementation in the economy of Uzbekistan. Also, the evolution of the country's transition to innovative development is highlighted, and the experience of technological parks that provide integration of higher education institutions, science-capital and production is studied.

Key words: innovation, investment, innovative development, economic model, US national innovation system, technopark, venture financing

Шакирова Фароғат Болтаевна,

Доцент, PhD Ташкентского государственного
транспортного университета

ИННОВАЦИОННЫЕ СИСТЕМНЫЕ ФАКТОРЫ, СОСТАВ И ТЕОРИЯ РАЗВИТИЯ ЭКОНОМИКИ США

Аннотация. В данной статье подробно описывается национальная инновационная система и факторы Соединенных Штатов Америки, а также вносятся предложения по ее внедрению в экономику Узбекистана. Также освещается эволюция перехода страны к инновационному развитию, изучается опыт технопарков, обеспечивающих интеграцию вузов, науко-капитала и производства.

Ключевые слова: инновации, инвестиции, инновационное развитие, экономическая модель, национальная инновационная система США, технопарк, венчурное финансирование.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPI1342V3SI5Y2023N15>

Кириш. Жаҳонда анъанавий, чекланган, такрор ишлаб чиқарилмайдиган иқтисодий ресурслар ҳажми қисқариб бораётган шароитда иқтисодиётни инновацион омиллар асосида барқарор ўсишни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон иқтисодиётида барқарор иқтисодий ўсишни инновацион омиллар ҳисобига таъминлашда Швейцария, АҚШ, Швеция, Буюк Британия, (глобал инновацион индекс бўйича етакчи) [14] каби мамлакатларда бой тажриба тўпланган. Дунё аҳолисининг ўсиб бориши экологияни ёмонлашуви, инвестицион фаолликнинг кучайиши, иқтисодий ўсиш сифатини яхшилаш, инсон капитали ва энг илғор, юқори технологияларга асосланган инновацион иқтисодиётга ўтишни тақозо этмоқда.

Биз ўз ишимизда Америка инновацион моделини Америка Қўшма Штатларига илм-фан ва илғор технологиялар соҳасида жаҳон етакчилигини сақлаб қолиш имконини берувчи муваффақиятли тизим намунаси сифатида кўриб чиқамиз. Бундан ташқари, биз дунёдаги энг йирик иқтисодиётда инновациялар ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим масалалари ва мумкин бўлган истиқболларини аниқлаймиз, бу нафақат Америка инновацион моделининг кейинги ривожланишини белгилаб беради, балки АҚШ рақобатчилари ва тақлидчилари учун намуна бо'лади. Ҳозирги кунда ҳар қандай мамлакатнинг энг муҳим ва ҳал қилувчи рақобат устунлиги сифатида янги билимларнинг ривожланганлик даражаси ва ундан ижтимоий-иқтисодий тараққиётда самарали фойдаланишни кўрсатиш мумкин. Айнан шу омил мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни ва роли, халқнинг турмуш фаровонлиги ҳамда иқтисодий хавфсизлик даражасини белгилаб беради. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, саноати ривожланган мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг 80-95 фоиз қўшимча ўсиши инновацияларга асосланган янги билимлар ҳиссасига тўғри келмоқда [1].

Америка иқтисодиётининг ривожланишни таъминлашда, янги ютуқларга олиб келадиган радикал инновацияларни топиш ва амалга ошириш учун нанотехнология; биотехнология; генетик муҳандислик; янги авлод ахборот-коммуникация технологиялари (квант, оптик ва ДНК компьютерлари; лазерли телевизорлар, экрансиз дисплейлар ва бошқалар); когнитив технологиялар; тоза (янги ёки "яшил") энергия йўналишлари асосий вазифа бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Америка Қўшма Штатлари инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишга алоҳида эътибор қаратгани туфайли барча соҳаларда етакчи ҳисобланади. АҚШнинг бутун тарихи давомида, айниқса 20-асрнинг иккинчи ярмида мамлакатнинг иқтисодий ўсиши инновацион ривожланиш ҳисобига таъминланди. АҚШ инновациялар самарадорлиги бўйича 2022 йил глобал инновацион индекси рейтингда етакчиликни давом эттирмоқда ва 81 кўрсаткичнинг 15 тасида 1-ўринни эгаллади [12].

Халқаро амалиётда мамлакатлар миллий инновация тизимини шакллантириш бўйича турли моделлар мавжуд. Айниқса, АҚШ Стенфорд университети профессори Генри Исковис томонидан тақлиф қилинган "Уч ёқлама спирал" (*Triple helix*) модели энг самарали моделлардан ҳисобланади. АҚШнинг миллий инновация тизими ушбу модел асосида шакллантирилиб, бугунги кунда инновацион ривожланиш бўйича етакчи

давлатлардан ҳисобланади. Ушбу модел моҳиятига кўра, худудни ривожлантириш ва билимга асосланган иқтисодий ён барпо этишда университет, тадбиркорлар ва давлат ўртасидаги ўзаро алоқаларга аҳамият берилади.

Моделнинг самарадорлигини муаллифлар ўтган асрнинг 30 йилларида «буюк инқироз» даврида саноат ишлаб чиқариш пасайиб бораётган АҚШнинг Янги Англия худуди мисолида илмий асослаб берган. Бундай вазиятда ҳукумат вакиллари худудни комплекс ривожлантириш мақсадида илмий-тадқиқот ишларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратди. Ўз навбатида бу жараёнларда Массачусетс технология институти (*Massachusetts Institute of Technology, MIT*) ҳал қилувчи рол ўйнади [2].

1930 йиллардан бошлаб, Массачусетс технология институти нафақат фундаментал балки, амалий тадқиқотларни олиб боришда ҳам АҚШда етакчи таълим муассасалардан ҳисобланган. Бундан ташқари институт раҳбарияти тадқиқотларга дунёнинг турли давлатларидан физика, химия, математика ва бошқа йўналишлардаги етакчи олимларни жалб қилиб, тадқиқотларни амалиётга жорий қилишга аҳамият қаратган. Мамлакатнинг илмий салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни ишлаб чиқариш билан интеграциясини чуқурлаштириш борасидаги қарашлар дастлаб MIT асосчиси У.Б.Роджерс (*Бартон Роджерс*) томонидан 1846 йилда илгари сурилган [12].

Таъкидлаш жоизки, илмий асосланган янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этиш иқтисодчи У.Б.Роджерснинг “университет-ишлаб чиқариш” концепциясида ўз аксини топган бўлиб, улар ўртасидаги алоқалар фақатгина маслаҳат кўринишида қисқа муддатли эмас, балки узоқ муддатга мўлжалланган ҳамкорлик алоқаларини ўрнатилишини таъкидлайди.

АҚШ Илм-фанга 476 миллиард доллар сармоя киритилади - бу дунёда биринчи ўринда. Фикримизча, ушбу кўрсаткич кейинги йилларда ортиб бориш тенденциясига эга бўлиб, бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг инновацион сектори бошқа тармоқларни ҳам ривожланишига замин яратади. Шунингдек, иқтисодий адабиётлардаги таҳлиллар миллий инновация тизими ривожланган давлатларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатлари сезиларсиз даражада бўлганини кўрсатмоқда [3].

Миллий инновация тизими – бу давлат, хусусий сектор ва жамоат ташкилотларининг янги билим ва технологияларни яратиш, сақлаш ва тарқатиш фаолияти доирасидаги механизмлар, ўзаро алоқалар мажмуасидир, - дея таъриф берилган[4].


Шу қайд этиш жоиз 1980 йиллар АҚШнинг миллий инновация тизимининг концептуал асослари шаклланди. Дунёнинг турли мамлакатлари олимлар томонидан жамоавий тадқиқот ишлари натижаси сифатида “Иқтисодий назария ва техник ривожланиш” монографияси нашр этилди [5]. Ушбу монография муаллифлари Швеция университети профессори Б.Лундвалл, Буюк Британия Сассек университети қошидаги илмий-тадқиқот ишларини ўрганиш маркази мутахассиси К.Фримен ва АҚШнинг Колумбия университети профессори Р.Нелсонлар миллий инновация тизимини шакллантириш концепцияси бош ғоясини қуйидагилар билан асослаганлар. Яъни:

– замонавий иқтисодий ён ва рақобатни шакллантиришнинг энг асосий омили сифатида инновациялар ва тадбиркорларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиб илмий тадқиқотларни амалга ошириш;

- жамиятнинг турли институтлари (оила, маҳалла, партия ва х.к) инновасион фаолият тузилиши ва салмоғига таъсир этувчи омиллар;
- иқтисодий ривожлантиришда илм-фаннинг ўрни муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу концепсия умумий ғояга эга бўлишига қарамай, муаллифларнинг тадқиқотларни амалга оширишдаги қарашлари турлича бўлган. Иқтисодчи олим профессор Б.Лундвал ғояларини К.Фримен давом эттириб, “Миллий инновация тизими – инновасион технологияларни яратиш ва тарқатиш мақсадида давлат ва хусусий сектор ўртасидаги институтсионал тармоғидир” – дея таъкидлаган [6].

Муҳокама. АҚШнинг миллий инновация тизими юқорида таъкидланганидек, давлат, университет ва тадбиркорлар ўртасидаги узвий алоқалардан ташкил топган. АҚШда иқтисодий субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг чуқурлашуви ва рақобат муҳити натижасида вужудга келган инновасион иқтисодий қуйидаги расмда келтирилган шаклларда ривожланган.




1-расм. АҚШда инновасион иқтисодийнинг ривожланиш шакллари¹

1-расмдан кўриниб турибдики, АҚШда инновасион иқтисодийнинг ривожланишида йирик технопарклар, бизнес-инкубаторлар, венчур жамғармалар, махсус иқтисодий зоналар ва молия-саноат гуруҳлари муҳим аҳамият касб этган.

Иқтисодий субъектларнинг ҳуқуқий асослари 1890 йилда қабул қилинган “Шерман Қонуни” меъёрий ҳужжатида ўз аксини топган. Таъкидлаш жоизки, АҚШнинг инновасион ривожланиш амалиётида узоқ вақт давомида фан ва технологияларни ривожлантиришга ажратилаётган маблағлар таркибида хусусий секторнинг улуши юқори ҳисобланган. Масалан, 1970 йилларда 80% инновациялар АҚШнинг йирик компаниялари томонидан ишлаб чиқилган бўлса, сўнгги 20 йил ичида фан ва технологиялар соҳасидаги давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашуви сезиларли даражада ўсди. Хозирда АҚШда яратилаётган инновацияларнинг учдан икки қисми давлат ва тадбиркорларнинг шериклиги асосида, жумладан университетлар, давлат лабораториялари ва илмий-тадқиқот институтлари иштирокида амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда мутахассислар томонидан АҚШнинг миллий инновация тизимида бир-бирига узвий боғлиқ қуйидаги бўғинлари амал қилади.

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тузилди



2-расм. АҚШда миллий инновацион тизимнинг бўғинлари¹

2-расмдан кўриниб турибдики, АҚШда миллий инновацион тизим асосан учта йўналишда ривожланган. Унинг *биринчи бўғини* таълим муассасалари ҳисобланади. Булар қаторига жаҳон таълим рейтингида энг юқори ўринларда турган 150 та таълим муассасалари жумладан, Дортмут колледжи, Брауновск, Ел, Колумбия, Корнелл, Пенсилвания, Беркли, Стендфорд, Висконсинск, Миннесота ва Принстон университетларини ҳамда Массачусет технология институти ва улар қошидаги илмий тадқиқот марказлари киради [7]. АҚШ университетлари илмий йўналишдаги ишларини асосий молиялаштириш манбаси федерал бюджет ҳисобланади. Бундан ташқари университетлар венчур компаниялар орқали илмий ишланмларни саноат ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига йўналтиради.

Бизнинг фикримизча, АҚШ университетлари бутун дунёдан юқори салоҳиятли олимларни жалб қилади. Масалан, ушбу университетларнинг компьютер технологиялари бўйича студентлари Хитой ва Хиндистон давлатларидан ташриф буюрган бўлса, математика ва бошқа аниқ фанлар бўйича олимлар Россиядан ташриф буюрган. Албатта, инновацияларни ривожлантиришда энг асосий омил сифатида инсондаги илмий салоҳият ҳисобланади, ушбу салоҳият йиллар давомида шаклланиб, жаҳоннинг фан ва технологиялар борасидаги етакчи олимлари илмий ишланмалари АҚШ иқтисодиётига мисли кўрилмаган даражада фойда келтирмоқда.

Миллий инновация тизимининг *иккинчи бўғинига* ҳозирда АҚШда амал қилаётган 10 мингдан ортиқ илмий марказлар, етакчи корхоналар таркибидаги лабораториялар, давлатнинг илмий-тадқиқот институтлари киради. Шу нуқтаи назардан, айрим илмий тадқиқот марказлари бевосита АҚШ ҳукумати буюртмасига асосан изланишлар олиб боради. Масалан, иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда Лос-Аламос лабораториясида атом бомбаси тайёрланган. Ёки бугунги кунда стратегик тадқиқотлар маркази ҳисобланадиган “РАНД Сорпоратион” ташкилоти ҳам ҳукумат манфаатлари учун хизмат қилади.

Миллий инновация тизимининг *учинчи бўғинига* АҚШ ҳудудида йиллар давомида тарихан шаклланган инновацион кластерларни киритиш мумкин. Уларнинг асосий

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тузилди

мақсади инновацион технологияларни яратиш, сақлаш ёки реализасия қилишда университет ва илмий-тадқиқот марказларини қўллаб-қувватлашдан иборат. Шунингдек, ишлаб чиқариш ва технологиялар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш мақсадида, худудий ихтисослаштирилган махсус инновацион кластерлар ташкил этилади. Бундай худудлардан бири “Силикон водийси” (*Silicon Valley*) технопарки бўлиб, унинг АҚШ венчур инвеститсиялари таркибидаги йиллик улуши 1/3 қисми ташкил этади. Ушбу мажмуа худудида дастурий таъминот, микропроцессор ва бошқа инфорацион технологиялар соҳасидаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга асосланган Apple Inc., Intel, Adobe Systems, Advanced Micro Device, Cisco System, Symantec каби 7 мингга яқин юқори технологияли компаниялар амал қилади.

Натижалар. Фикримизча, Силикон водийсининг шаклланиши ва ривожланишига энг асосий омил сифатида Стенфорд университетини келтириш мумкин. Чунки, Стенфорд университетининг юқори малакали ходимлари ва талабаларининг ҳамкорликдаги уюшмаси натижасида таълим муассасаси худуди атрофида йирик компаниялар ташкил этилди. Зеро, Стенфорд университети мутахассислари, олимлари яшаш жойини ўзгартирмай ва бошқа ижтимоий муаммолардан ҳоли равишда фаолият кўрсатишларига имкон яратилди. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳам транспорт харажатлари қисқаришига ижобий таъсир кўрсатади.

Бундай инновацион кластерлар АҚШнинг бошқа худудларида хусусан, Сиетл, Такома ва Олимпияда – аерокосмик техника ва ахборот технологиялари; Миннеполис ва Джексонвилда – тиббиёт ускуналари; Питтсбург, Акрон, Кливлендда – “тоза” ва табиий энергетика технологияси; Канзас-Ситида – биотехнология ва замонавий химия; Бостонда – биотехнологиялар ва Остин Даллас худуди – ярим ўтказгичли технологиялар устида илмий тадқиқотлар ўтказиш марказлари ҳисобланади.

Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизасиялаш шароитида илмий тадқиқотларни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши долзарб аҳамият касб этади. Чунки, инновация инфратузилмасини шакллантириш, айниқса илм-фан ютуқларини иқтисодиёт тармоқларига жорий этиш, уни самарали молиялаштириш борасида ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар кўп.

Бизнинг фикримизча, инновацион лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш манбаларини кўпайтириш, бунда давлат томонидан хусусий инвесторларни рағбатлантириш функцияларини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, олий таълим муассасалари, илмий тадқиқот марказлари томонидан ички манбалари ҳисобидан инновацион технологияларга йўналтираётган маблағлари салмоғини кўпайтириш лозим. Хорижда профессионал олий таълим муассасаларининг илмий-тадқиқотларга ажратган маблағлар улуши жамига нисбатан 18 фоиздан ИХРТ давлатларида 23,7 фоизгачани ташкил этади[15].

Ушбу таҳлилларимиз натижаси ўлароқ қуйидаги жадвалда айрим иқтисодий кўрсаткичлар бўйича технологик жиҳатдан етакчи давлатларнинг рейтинги тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Технологик етакчи давлатлар рейтинги [15].

№	Етакчи давлатлар рейтинги	I	II	III	IV	V
1.	Қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат	АҚШ	Хитой	Хиндистон	Бразилия	Япония
2.	Медитсина, биотехнология	АҚШ	Буюк Британия	Германия	Япония	Хитой
3.	Нанотехнология, янги товарлар	АҚШ	Япония	Германия	Хитой	Буюк Британия
4.	Энергетика	АҚШ	Германия	Япония	Хитой	Буюк Британия
5.	Мудофаа, хавфсизлик	АҚШ	Россия	Хитой	Исроил	Буюк Британия
6.	Электроника, компьютер технологияси	АҚШ	Япония	Хитой	Жанубий Корея	Германия
7.	Ахборот бошқаруви	АҚШ	Хиндистон	Хитой	Япония	Германия
8.	Машинасозлик	Япония	АҚШ	Германия	Хитой	Жанубий Корея
9.	Авиасозлик, темир йўл транспорти	АҚШ	Япония	Хитой	Германия	Франция

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибди, АҚШ деярли барча кўрсаткичлар бўйича етакчи ҳисобланади. Иқтисодий адабиётларда мутахассислар мамлакатда инновацияларни қўллаб-қувватлашни рағбатлантиришнинг икки асосий йўналишини ажратиб кўрсатишади. Биринчи йўналиш сифатида илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланувчи олимлар манфаатларини кўзлаб инновацияларни савдоси билан шуғулланиш тартиблари соддалаштирилди.

Яъни, 1980 йилга келиб АҚШнинг патент ва савдо белгилари тўғрисидаги Бей-Доул актига (Байх-Доле Аст) ўзгартириш ва қўшимчаларни киритилиши миллий инновация тизимида “уч ёқлама спирал” моделини шаклланиши ва янада такомиллашишига сабаб бўлди. Чунки, 1980 йилга қадар янги технологиялар савдоси билан илмий ишланмалар ва инновасион технологиялардан манфаатдор бўлмаган турли федерал агентликлар шуғулланган [9].

Бей-Доул акти (Байх-Доле Аст) университет, кичик бизнес ва бошқа нодавлат ташкилотларини федерал бюджет ҳисобидан молиялаштирилган лойиҳалар, илмий-амалий тадқиқотлар ва кашфиётларни бошқариш ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берган. Аксарият университетлар нафақат федерал бюджет маблағлари ҳисобидан, балки бошқа молиявий ресурслар ҳисобидан илмий тадқиқотлар олиб бориш ва уни реализасия қилишда фаол иштирок этган. Ўз навбатида университетга ушбу ҳуқуқни берилиши қуйидаги мажбуриятларни юклаган:

- федерал бюджет ва бошқа маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган лойиҳалар тўғрисидаги маълумотларни федерал агенлик ва молиялаштирувчига ахборот бериш;
- ихтиро йўналиши ва номини аниқлаб олши;
- ихтирони патентлаштириш;
- патентлаштириш ва келгусида фойдаланишда илмий ишланмани номини доим кўрсатиш;
- технологиялар савдосининг фаол сиёсатини амалга ошириш;

- федерал агентлик билан келишмасдан туриб, муаллифлик ҳуқуқини учинчи шахсларга бермаслик;
- роялтини бевосита кашфиётчи билан бўлишиш;
- ихтиролардан тушган даромаднинг бир қисмини таълимни ривожлантириш ва илмий тадқиқотларга йўналтириш;
- лицензия сотишда АҚШ саноат ва кичик бизнес вакиллари устунлик қилган;

Иккинчи йўналиш сифатида илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 1980 йилда жорий қилиниб, бугунги кунга қадар амалда бўлган бир қатор федерал дастурлар ҳисобланади. Жумладан, ҳозирда АҚШда инновасион корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашнинг 3 та асосий давлат дастури мавжуд:

- кичик бизнеснинг инновасион тадқиқотларини қўллаб-қувватлаш дастури (The Small Business Innovation Research Program – SBIR);
- кичик бизнеснинг инновасион технологияларини оммалаштириш дастури (The Small Business Technology Transfer Program – STTR);
- кичик бизнес учун инвестицион компаниялар ташкил этиш дастури (The Small Business Investment Company – SBIC);

Ушбу дастурлар АҚШнинг Кичик бизнес маъмурий бошқармаси томонидан мувофиқлаштирилади. Шу нуқтаи назардан СБИР ва СТТР дастурлари давлат аҳамиятига молик стратегик йўналишлардаги инновасион фаолиятни ривожлантиришга қаратилган. Масалан, СБИР дастурининг йиллик бюджети 1 млрд. доллардан ортиқ бўлиб, дастур доирасида ҳар йили 1000 та атрофидаги инновасион технологик лойиҳалар амалга оширилади [9]. Шунингдек, СБИС дастури бўйича АҚШ ҳукумати ўзига хос хусусиятлар ва шартлар асосида инновасион лойиҳаларни молиялаштиради. Масалан шундай хусусият ва шартлардан бири, АҚШ ҳукумати СБИС дастури бўйича 1:2 ёки 1:3 нисбатда хусусий инвесторларни жалб қилган янги компанияларни молиялаштиради.

АҚШда инновасион технологияларни ривожланишига ижобий таъсир кўрсатган омиллардан яна бири 1950 йиллардан пайдо бўлган венчур компанияларини давлат томонидан фаол рағбатлаштирилишидир. Бугунги кунда венчур фондлари илмий тадқиқот лойиҳаларини молиялаштирувчи асосий манбалардан бири ҳисобланади. Масалан, 1990 йиллардан халқаро венчур капиталининг $\frac{3}{4}$ қисми АҚШ хиссасига тўғри келди. Ёки халқаро миқёсида таниқли бўлган Присевотерҳоусе Сооперс аудиторлик компаниясининг маълумотларига кўра АҚШ венчур компанияларининг инвестицияси 1995-2001 йилларда 7,6 млрд.доллардан 41,3 млрд.долларгача ўсган [11].

Хулоса. Хулоса ўрнида таъидлаш жоизки, АҚШ жаҳон бозорига инновасион технологияларни таклиф қилувчи давлатлар ичида етакчи бўлиб, бунга кичик инновасион корхоналарни давлат томонидан қўллаб қувватлаш дастурларини жорий қилинганлигини келтиришимиз мумкин. Шунингдек, илмий-тадқиқот билан шуғулланувчи олимларнинг манфаатларини кўзлаб жорий қилинган ҳуқуқий меъёрлар ва уларни венчур компаниялари каби молиялаштириш манбаларнинг кенг ривожланганлиги АҚШни кейинги йилларда инновасион технологиялар бўйича етакчиликни қўлдан бермаётганлигини ёрқин мисолидир. Яқин келажакда

республикада фан ютуқларига асосланган илмий-ишлаб чиқаришни ўзаро интеграциялаш тизимини самарали йўлга қўйиш зарурдир. Бунинг учун АҚШ тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, инновацион инфратузилмалар – ишлаб чиқариш маблағларини илмий тадқиқотларга йўналтирадиган, фан эса ишлаб чиқариш учун зарур бўлган янгиликларни берадиган технопарклар, инновацион марказлар каби тузилмаларни шакллантириш зарур. Вазирликлар, муассасалар, хўжалик юритувчи субъектлар ва хусусий сектор маблағларини жалб этиш ҳисобига инновацион тадқиқотлар қўламини сезиларли даражада кенгайтириш лозим. Бунда энергия ва ресурс тежовчи инновацион лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида аҳамият бериш керак. Бизнингча, бу борадаги бошқа устувор вазифалар – амалий тадқиқотларни иқтисодий тармоқларидаги аниқ масалаларни ечишга йўналтириш, интеллектуал мулк бозорини ташкил этиш, шунингдек, таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг бутун интеграциясини таъминлаш имконини берадиган илмий-техник ахборотлар инфратузилмасини шакллантиришдан иборатдир. Ушбу муаммоларни ҳал этиш мамлакатимиз иқтисодий тизимини ўрта ва узоқ муддатли истиқболда инновацион ривожлантиришга қаратилган давлат дастурини амалга ошириш баробарида илмий-технологик устуворликлар ва давлат илмий-техник дастурларини қайта кўриб чиқиш ва уларни амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади

Адабиётлар/Литература/References:

1. Эрмаматов Ш.Ж. Инновацияга асосланган иқтисодий барпо этишнинг концептуал жиҳатлари. // «Миллий инновация тизими шаклланишининг илмий концептуал ва амалий жиҳатлари: хорижий тажриба ва ундан фойдаланишнинг асосий йўналишлари» Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Т., 2016. -49-б.
2. H. Eitzkowitz, L. Leydesdorff Research Policy 29 2000 page. 115
3. В. А. Сергеев, Е. В. Бабкина. Тройная спираль инновационного развития: опыт США и Европы, возможности для России. IX Международная конференция «Тройная спираль».
<http://www.triplehelixconference.org/ru/the-triple-helix-concept.html>. 2011 г. стр 69
4. НТР и мировая политика: Учеб. пособие / Под ред. А.В. Бирюкова, А.В. Крутских. Моск. гос. ин-т межд. отношений (Ун-т) МИД России. М.: МГИМО – Университет, 2010. Стр 36
5. НТР и мировая политика: Учеб. пособие / Под ред. А.В. Бирюкова, А.В. Крутских. Моск. гос. ин-т межд. отношений (Ун-т) МИД России. М.: МГИМО – Университет, 2010. Стр 7
6. Technical Change and Economic Theory, Pinter, 1988. URL: <http://freemanchris.org/publications>
7. Сергеев В.М., Алексеенкова Е.С. Становление государства и модели инновационного развития // Политика. № 4. 2008.
8. Обзор инновационных кластеров в иностранных государствах // Минэкономразвития России, 2019.

9. Hughes S. Making dollars out of DNA. The first major patent in biotechnology and the commercialization of molecular biology, 1974–1980 // Isis; an international review devoted to the history of science and its cultural influences. 92 (3). 2001.
10. Шаркова А. Мировой опыт функционирования финансовой инфраструктуры поддержки инновационного предпринимательства // Предпринимательство. № 6. 2010.
11. Цихан Т. Роль венчурной индустрии в формировании национальной инновационной системы // Теория и практика управления. № 4. 2011.
12. [https://www.globalinnovationindex.org/userfiles/file/reportpdf/GII_2022_R-ExSum WEB.pdf](https://www.globalinnovationindex.org/userfiles/file/reportpdf/GII_2022_R-ExSum_WEB.pdf)
13. <http://uis.unesco.org/apps/visualisations/research-and-development-spending/>
14. The Global Innovation Index 2022 “Effective Innovation Policies for Development”. Tech Connection 2022, Taylor Vinters Eden Hall September 22, 2022
15. OECD (2019), Main Science and Technology Indicators, № 1, Paris
16. Доклад о состоянии фундаментальных наук в Российской Федерации и о важнейших научных достижениях российских ученых в 2019 году. Российская академия наук. 2019 г. Издательство «Наука». Стр 24.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ S/5 (3)-2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).